

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



“Қонунчилик палатаси депутатларининг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича баҳолаш ва рейтинг ахборот тизимини яратиш” бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

(_____ варақда)
2022 йил “ _ ” _____ дан амал қилади

МУНДАРИЖА:

1. Умумий маълумотлар.....	5
1.1. Тизимнинг тўлиқ номи ва унинг шартли белгиланиши.....	5
1.2. Буюртмачи.....	5
1.3. Бажарувчи	5
1.4. Бажариш муддати	5
1.5. Ишларни бошлаш ва тугатишнинг режа бўйича муддатлари	5
1.6. Молиялаштириш манбаалари.....	5
1.7. Ишлар натижаларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартиби.....	6
2. Ахборот тизимнинг вазифаси ва яратиш мақсадлари.....	6
2.1. Ахборот тизимнинг белгиланган мақсади	6
2.2. Ахборотлаштириш объектларининг характеристикаси	
8	
3. Тизимга қўйиладиган талаблар.....	8
3.1. Умуман ахборот тизимга қўйиладиган талаблар.....	8
3.1.1. Тизимнинг структураси ва ишлашига қўйиладиган талаблар.....	8
3.1.2. Тизим ходимларининг сони ва малакасига ҳамда унинг ишлаш режимига қўйиладиган талаблар	9
3.1.3. Вазифа кўрсаткичлари	10
3.1.4. Ишончлилигига қўйиладиган талаблар.....	10
3.1.5. Хавфсизлигига қўйиладиган талаблар.....	12
3.1.6. Эргономика ва техник эстетикага қўйиладиган талаблар.....	13
3.1.7. Тизим компонентларидан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва сақлашга қўйиладиган талаблар.....	13
3.1.8. Ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар.....	14
3.1.9. Аварияларда ахборотнинг сақланганлиги бўйича талаблар.....	14
3.1.10. Ташқи таъсирдан муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар.....	15
3.1.11. Патент ва лицензия софлигига қўйиладиган талаблар.....	15
3.1.12. Стандартлаштириш ва бир хиллаштириш бўйича талаблар.....	15
3.1.13. Қўшимча талабла.....	16
3.2. Тизим томонидан бажариладиган функцияларга қўйиладиган талаблар	16
3.2.1. Асосий талаблар.....	16
3.2.1.1. Навигация.....	16
3.2.1.2. Ахборот тизимни маълумотлар билан тўлдириш (контент).....	17
3.2.2. Функционал вазифаларга қўйиладиган талаблар.....	18
3.2.2.1. Контентни бошқариш тизим (CMS).....	18

3.2.2.2. Бўлимларнинг функционал имкониятлари.....	18
3.2.2.2.1...Бош саҳифа.....
3.2.3. Ахборот тизим дизайнига қўйиладиган талаблар.....	21
3.2.3.1. Умумий талаблар.....	21
3.2.3.2. Навигация ва ахборот элементлари.....	22
3.2.3.3. Тизимноми (заголовок сайта).....	22
3.2.3.4.. Асосий ва ёнбош менюлар.....	22
3.2.3.5.. Контентнинг асосий майдони.....	22
3.2.3.6. Субстрат (подложка).....	22
3.2.3.7. Статик саҳифа.....	23
3.3.1.. Математик таъминотига қўйиладиган талаблар.....	23
3.3.2.. Ахборот таъминотига қўйиладиган талаблар.....	23
3.3.2.1. Тизимга киритиладиган маълумотларнинг таркиби, тузилмаси ва шакллантириш услубларига қўйиладиган талаблар	23
3.3.2.2. Тизим компонентлари ўртасидаги ахборот алмашинувида қўйиладиган талаблар.....	23
3.3.2.3. Бошқа веб-сайтлари билан мувофиқлигига қўйиладиган талаблар.....	24
3.3.2.4. Маълумотлар базасини бошқариш тизимига қўйиладиган талаблар.....	24
3.3.3.. Лингвистик таъминотига қўйиладиган талаблар.....	24
3.3.3.1. Фойдаланиладиган дастурлаш тилига қўйиладиган талаблар.....	24
3.3.3.2.. Маълумотларни бошқариш тилига қўйиладиган талаблар.....	24
3.3.3.3. Маълумотларни тўплаш форматларига қўйиладиган талаблар.....	25
3.3.3.4. Тизим интерфейсининг тилларига қўйиладиган талаблар.....	25
3.3.3.5. Фойдаланувчи билан мулоқотни ташкил қилиш услубига қўйиладиган талаблар.....	25
3.3.4. Дастурий таъминотига қўйиладиган талаблар.....	25
3.3.5. Техник таъминотига қўйиладиган талаблар.....	25
3.3.6. Метрологик таъминотига қўйиладиган талаблар.....	25
3.3.7. Ташкилий таъминотига қўйиладиган талаблар.....	26
3.3.8. Услубий таъминотига қўйиладиган талаблар.....	26
4. Тизимни яратиш бўйича ишларнинг таркиби ва мазмуни	26
5. Тизимни назорат қилиш ва қабул қилиш тартиби	28
5.1. Тизимни қабул қилиш тартиби.....	28
5.2. Текшириш ва синовлардан ўтказиш шартлари.....	29
5.3. Қабул қилиш комиссиясининг тузилиши тартиби, таркиби ва статуси	29
5.4. Ахборот тизимга кафолатли хизмат кўрсатилиши.....	30
6. Тизимни ишга туширишда тайёрлаш бўйича ишларнинг таркиби ва мазмуниг қўйиладиган талаблар.....
.....	31

7. Хужжатлаштиришга қўйиладиган талаблар	31
8. Ишланма манбаалари	31

1. Умумий маълумотлар

1.1. Тизимнинг тўлиқ номи ва унинг шартли белгиланиши

Тизимнинг тўлиқ номи: Қонунчилик палатаси депутатларининг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича баҳолаш ва рейтинг ахборот тизимини яратиш.

1.2. Буюртмачи

«INNOVATIONCENTERVEKTOR» масъулияти чекланган жамияти.

Телефон рақамлари: (93-383-99-79)

1.3. Бажарувчи

Ушбу лойиҳанинг бажарувчисисифатида танлов асосида белгиланган корхона дастурий таъминотни ишлаб чиқишда камида 5 йиллик тасдиқланган иш тажрибасига, ҳамда дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва жорий этишда камида 20 та муҳим ва мукамаллоиҳаларни амалга оширганлигини ваулар қаторида Вакиллик органлари томонидан буюртма қилинган дастурий таъминотни ишлаб чиққанлигини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлиши шарт. Ушбу техник топшириқ бошланғич техник топшириқ ҳисобланиб, мазкур техник топшириқнинг якуний таҳрири Буюртмачи ва Бажарувчилар томонидан биргаликда ишлаб чиқилади.

1.4. Бажариш муддати

Бошланиши 4 март 2022йил

Тугаши 4 апрел 2022йил

1.5. Ишларни бошлаш ва тугатишнинг режа бўйича муддатлари

Техник топшириқга асосан ахборот тизимни ишлаб чиқиш ва жорий эттиришлари 2022 йилда амалга оширилиши режалаштирилган. Ахборот тизимни яратиш бўйича ишларнинг таркиби, мазмуни ва муддатлари мазкур техник топшириқнинг 5-бўлимида келтирилган.

1.6. Молиялаштириш манбаалари

Ахборот тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этиш харажатлари буюртмачининг ўз маблағлари ва манфаатдор томонлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Лойиҳа бўйича ишларни молиялаштириш жараёни буюртмачи томонидан амалдаги қонунчилик талаблари асосида амалга оширилади.

1.7.Ишлар натижаларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартиби

Ахборот тизимни ишлаб чиқиш ва фойдаланишга топшириш ишлари мазкур техник топшириқнинг олтинчи ва еттинчи бўлимларида келтирилган талаблар асосида буюртмачи томонидан қабул қилиб олинади.

Буюртмачининг ҳоҳишига кўра, буюртмачининг ўз мутахассислари ҳамда (ёки) буюртмачи томонидан жалб этилган бошқа мутахассислар иштирокида ахборот тизимни қабул қилиб олиш учун махсус ишчи гуруҳи тузилиши мумкин.

Буюртмачи бажарувчидан ахборот тизимни махсус ишчи гуруҳи олдида ҳимоя қилиш ва ахборот тизимнинг тузилмаси ва ишлаш тартибини тўлиқ тушунтириб беришни талаб қилишга ҳақли.

Буюртмачи томонидан шартномага асосан бажарилган ишларни топшириш -қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб, ахборот тизим буюртмачи томонидан фойдаланиш учун тўлиқ қабул қилиб олинган ҳисобланади.

Иш натижаларини тақдим этиш қуйидагилардан ташкил топади:

- тўлиқ ишлаб чиқилган ва буюртмачининг мутахассислари томонидан тўлиқ синовдан ўтказилган ахборот тизим;

- буюртмачининг мутахассислари учун ахборот тизимдан фойдаланиш тартиби бўйича ўтказилган ўқув;

- ахборот тизимдан фойдаланиш тартиби бўйича ишлаб чиқилган электрон шаклдаги йўриқнома.

- ахборот тизимдан фойдаланиш тартиби бўйича ишлаб чиқилган видео шаклдаги йўриқнома.

Буюртмачи дастурий таъминотдан фойдаланиш мобайнида аниқланган камчиликларни ва тўлдиришларни Бажарувчи жорий этган кундан бошлаб 6 ой мобайнида қўллаб-қувватлаш нива камчиликларни бартараф этишни кафолатлаши керак.

2. Ахборот тизим вазифаси ва яратиш мақсадлари

2.1. Ахборот тизимнинг белгиланган мақсади

Ахборот тизимнинг белгиланган мақсади давлат органлари фаолиятини автоматлаштиришни ва уларнинг очиклик даражасини оширишни таъминлайдиган лойиҳаларни амалга ошириш давлат бошқаруви тизимини автоматлаштиришнинг долзарб йўналиши ҳисобланади. "Электрон парламент" ягона лойиҳаси доирасида депутатлар фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолаш учун электрон тизимни ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Бундай тизимнинг ривожланиши давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини, демократик жараёнларнинг сифатини ва вакиллик органларининг ҳисобдорлигини оширишнинг янги инновацион усулини жорий этишга имкон беради. Парламент фаолиятини автоматлаштиришнинг яна бир муҳим соҳаси бу ҳуқуқий маълумотларни визуализация қилиш, рақамли қонун ҳужжатлари

тизимларини жорий қилиш вазифаларини амалга оширишдан иборат.

«Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир.

Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин.

Ҳар томонлама мукамал ва самарали бошқарув тизимини яратиш – олдимизда турган улкан вазифаларни бажаришнинг асосий шартидир.

Депутатларимизга мурожаат қилиб, шуни айтмоқчиман: сайловолди учрашувларида аҳоли томонидан кўтарилган долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ дастур ва “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ҳамда уларни мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тўлиқ амалга ошириш зарур. Акс ҳолда, сизларга ишонч билдирган сайловчилар олдида депутатнинг обрўси бўлмайди, партиянинг мавқеи тушиб кетади. Чунки бугун халқимизнинг тафаккури ҳам, дунёқараши ҳам, талаб ва эҳтиёжлари ҳам бутунлай ўзгарган. Халқимиз ҳаммадан зийрак ва улуғдир.

Бошқарув тизими сифатини оширишда “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган асосий тамойилни амалда тўлиқ таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур».

Замонавий парламент демократик жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Халқ вакиллари фаолиятини бирлаштирувчи орган ҳисобланмиш парламент фуқаролар манфаатлари йўлида амалга ошираётган ишларининг самарадорлиги ҳамда уларнинг ҳисобдорлиги давлат органлари ичида биринчи ўринда таъминланиши лозим.

Жамият ҳаётини модернизация қилиш, давлат бошқарувининг илғор инновацион усулларини жорий этиш жараёнлари ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жамият ҳаётининг барча соҳалари, шу жумладан қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятининг самарадорлигини оширишни талаб этади.

Бугунги кунда сайловчиларнинг ижтимоий сўровларини депутатлар томонидан бажариш ва улар учун жавобгар бўлишга нисбатан жамоатчиликнинг талаби жиддий равишда ошмоқда.

Ўтказилган ижтимоий сўровлар фуқароларнинг депутатларга бўлган ишончини ошириш бўйича катта салоҳият мавжуд эканлигини кўрсатиб турибди. Бугунги кунда сайловчилар барча даражадаги депутатлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ва унинг самарадорлигини ошириш, шунингдек депутатлар фаолиятининг натижалари бўйича эркин ахборот олишни афзал кўрмоқда.

Бироқ депутатлар фаолиятини баҳолаш тизимига нисбатан мавжуд ёндашув ҳолис ва тўлиқ ахборот олишга имконият бермаяпти, қолаверса, депутатлар фаолиятини баҳолашнинг керакли норматив-ҳуқуқий базаси мавжуд эмас. Депутатларнинг тегишли сиёсий партиялар, кўмиталар, умуман, парламент фаолиятидаги иштироки нотенг бўлиб қолмоқда. Депутатларнинг кўп мақсадли фаолияти бир четда қолиб, унинг ўрнини популистик ҳаракатлар ва PR-рекламалар эгаллаган ҳолатлар кўзга ташланиб келмоқда.

Шу муносабат билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичи (КРІ) методологиясини татбиқ этиш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, депутатлар фаолияти самарадорлигининг очик рейтингини яратиш ҳамда бу ҳақда жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадга мувофиқ саналади.

2.3. Ахборотлаштириш объектларининг характеристикаси

Қонунчилик палатаси депутатларининг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича баҳолаш ва рейтинг ахборот тизими автоматлаштириш объекти бўлиб, унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Конституциявий қонунларда, қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Жамоатчилик кенгашининг қарорларида белгиланади.

3. Тизимга қўйиладиган талаблар

3.1. Умуман ахборот тизимга қўйиладиган талаблар

3.1.1. Тизимнинг структураси ва ишлашига қўйиладиган талаблар

Ишлаб чиқиладиган ахборот тизими қуйидагиларни ўзидакс этиши керак:

- техник топшириқда кўзда тутилган барча вазифаларни бажариши;
- мижоз-сервер технологиясида ишлаши;
- буюртмачининг эҳтиёжларига кўра ахборот тизимга киритиладиган кичик ўзгаришларга тез ва осон мослашувчан бўлиши, шу билан ахборот тизимни сақлаш ва техник қўллаб-қувватлаш харажатларининг камайишига ҳам эришилиши;
- Олий Мажлис қонунчилик палатасида мавжуд бошқа маълумотлар базаси ва электрон ҳужжат айланиши тизими билан интеграция амалга оширилиши;
- келажакда ахборот тизимининг функционал имкониятлари кенгайиши оқибатидати тизимни такомиллаштиришни Бажарувчи 1 йил давомида олиб борилиши мумкинлиги кўзда тутилган бўлиши;
- тизимнинг конентини 1 йил давомида қўллаб-қувватлаш
- умумий маълумотлар базаси билан ишлайдиган бир қанча алоҳида модуллар шаклида яратилиб, ҳар бир модулни алоҳида такомиллаштириш ёки қўшимча модуллар қўшиш имконияти кўзда тутилган бўлиши;
- келажакда бошқа ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши

мумкинлиги кўзда тутилган бўлиши;

- техник воситалар ва малакали техник хизмат кўрсатишни оптимал даражада талаб қилиши;
- фойдаланувчилар учун қулай интерфейсга эга бўлиши ва оммабоп дастурий воситалар интерфейсларига ўхшаш бўлиши;
- маълумотларнинг ишончли сақланишини таъминлаши;
- маълумотларнинг қулай ва тушунарли кўринишларда акс эттирилишини таъминлаши лозим.

Веб-браузер орқали кириладиган дастурий интерфейсдан ташкил топиши лозим.

Барча веб-браузерлар орқали тўлақонли ва оптимал ишлашини таъминлаш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талаблар” жавоб бериш керак.

Веб-браузер орқали кириладиган ахборот тизим очик ва ёпик қисмлардан иборат бўлиб, ундан стационар компьютерлар билан бир қаторда, мобил қурилмалар орқали ҳам фойдаланиш имконияти яратилиши лозим.

Ахборот тизимнинг очик қисмида тизимга дахлдор бўлган умумфойдаланиладиган маълумотлар жойлаштирилиши лозим.

Ахборот тизимнинг ёпик қисми турли даражадаги ҳуқуқларга эга бўлган фойдаланувчиларнинг “шахсий кабинет”ларидан иборат бўлиб, улар томонидан ахборот тизимнинг имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш учун ягона кириш жойига эга бўлиши лозим.

Ахборот тизимнинг тўлақонли ва оптимал ишлашини таъминлаш учун, унинг модуллари ягона мажмуа сифатида ишлаши лозим.

Ахборот тизимнинг барқарор ишлаши учун талаб этилган барча шарт-шароитлар яратиб берилган ҳолатда, тизим администраторлар аралашувисиз 24/7 режимида доимий ва тўхтовсиз ишлашга мўлжалланган бўлиши лозим.

Ахборот тизимда дастурий таъминотга қўшимча функционал имкониятларнинг қўшилиб бориши ҳамда техник воситаларнинг кучайтириб борилиши мумкинлиги кўзда тутилган бўлиши лозим.

Ахборот тизимфойдаланувчиларининг сони ёки фойдаланиш кўлами кенгайган ҳолларда, дастурий ва техник таъминотнинг ишлаш тезлигини ошириш талаб этилиши мумкинлиги ҳам кўзда тутилган бўлиши лозим.

3.1.2. Тизим фойдаланувчиларининг сони ва малакасига ҳамда унинг ишлаш режимида қўйиладиган талаблар

Тизимнинг ишлашини таъминловчи фойдаланувчи турлари:

- фойдаланувчилар;
- администраторлар.

Тизимдан фойдаланувчиларнинг тахминий сони:

- фойдаланувчилар- 200тагача (режада);

- администраторлар - 4тагача.

Тизимнинг барқарор ишлаши учун қуйидагилар талаб этилади:

- серверлар, сервер дастурий таъминотлари ва ахборот узатиш тармоқларининг бенуксон ҳамда узлуксиз ишлаши таъминланиши;
- администраторлар томонидан ахборот тизимига бошланғич маълумотларнинг тўғри киритилиши ва махсус администраторлик дастури ёрдамида ахборот тизимитўғри бошқариб борилиши;

Ходимларнинг лозим даражадаги билим ва малакага эга бўлишига эришиш мақсадида, тизим фойдаланувчилари, администраторлари ҳамда қўллаб-қувватлаш хизмати ходимлари учун буюртмачининг мутахассислари томонидан тизимдан фойдаланиш қоидалари бўйича олдиндан ўқувлар ташкил этилиши ва юқори савияда ўтказилиши лозим.

Ўқувлар буюртмачи томонидан, ахборот тизимини ишлаб чиқарувчи корхона билан келишилган ҳолда ташкил этилиши ва ўқувни юқори савияда ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилиши лозим.

3.1.3. Вазифа кўрсаткичлари

Тизимга 200 тагача фойдаланувчи бир вақтнинг ўзида уланган пайтда ҳам, тизимнинг ишлаш тезлиги қуйидаги кўрсаткичлардан камайиб кетмаслиги лозим:

- веб-интерфейс орқали маълумотни сақлаш тезлиги - кўпи билан 5 сония;
- сўровларни акс эттириш - кўпи билан 5 сония;
- батафсил маълумотларни акс эттириш - кўпи билан 10 сония.

Йирик ҳисоботларни шакллантиришга сарфланадиган вақт уларнинг мураккаблиги ва маълумотлар миқдорига мос бўлиб, 20 дақиқадан ортмаслиги лозим.

Маълумотларнинг ҳажми кўпайиши билан боғлиқ бўлган секинлашишни бартараф этиш учун, сервер қурилмалари ва алоқа тармоқларининг тезликларини орттириш етарли бўлиши ва бунда дастурий таъминотга ўзгаришлар киритиш талаб этилмаслиги лозим.

Тизимнинг ташқи кўриниши ва ҳисобот шаклларига киритиладиган кичик ўзгаришлар ахборот тизимининг иши вақтинча тўхтатиб қўйилишини талаб этмаслиги, дастурий таъминот ишлаб турган вақтнинг ўзида такомиллаштириш ва эҳтиёжларга мослаштириш имкониятларига эга бўлиши лозим.

3.1.4. Ишончлилигига қўйиладиган талаблар

Ишлаб чиқиладиган ахборот тизими:

- буюртмачига камида 3 йил давомида хизмат қилиш имкониятига эга бўлиши ҳамда хизмат қилиш муддати давомида ўзининг тезлик ва барқарорлик кўрсаткичларини йўқотмаслиги;

- дастурий таъминотнинг нотўғри ишлаши билан боғлиқ ҳолатларда маълумотларнинг йўқолиб кетишига йўл қўймаслиги;

- ахборот тизимидан фойдаланиш қоидаларига тўлиқ риоя қилинган ҳолларда, тўхтовсиз, барқарор ишлаши;

- дастурий таъминотдаги хатолик сабабли ахборот тизими иши тўхтаб қолган ҳолатларда, мазкур техник топшириқда белгиланган ёки буюртмачи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида келишилган муддатларда ахборот тизимининг ишини тўлиқ қайта тиклаш имкониятлари мавжуд бўлиши лозим.

Тизимнинг ишончли ва узлуксиз ишлашига қуйидаги ташкилий ва техник амаллар комплекси ёрдамида эришилади:

- дастурий таъминотдаги бузилишлар. Дастурий таъминот ишдан чиққан ҳолатда, маълумотлар базаси ва дастурий таъминотнинг энг охириги олинган резерв нусхаси серверда қайта тикланади. Бундай ҳолатда дастурий таъминот фаолиятини қайта тиклаш ишлари уч соатдан ортмаслиги лозим (техник воситалар, операцион тизимва бошқа ёрдамчи дастурларнинг иши қайта тикланиши учун сарфланадиган вақт бунга кўшилмайди);

- техник воситаларнинг ишдан чиқиши. Техник воситалар ва алоқа каналларининг барқарор ишлаши, зарур ҳолларда зудлик билан таъмирланиши, резерв алоқа каналларини ташкил қилиш ва маълумотлардан резерв нухса олиб туриш буюртмачининг мутахассислари томонидан таъминланади. Техник воситалар ёки алоқа каналларида носозлик юзага келганида, дастурий маҳсулот ўзини ва ўз маълумотлар банкени ишлашдан чиқиб қолишига ўзи сабабчи бўлмаслиги лозим;

- электр энергияси таъминотидаги узилиш ёки импульсли носозликларда ҳам дастурий маҳсулот ўзини ва ўз маълумотлар банкени ишлашдан чиқиб қолишига ўзи сабабчи бўлмаслиги лозим. Электр энергияси таъминотида 15 дақиқагача бўладиган узилишлар компьютерлар ва серверларнинг ўчишига ҳамда тизимнинг тўхтаб қолишига олиб келмаслиги чоралари буюртмачи томонидан кўрилган бўлиши лозим.

Тизимнинг барқарор ишлашига эришиш мақсадида буюртмачи томонидан кўшимча серверлар ва кўшимча алоқа каналлари ташкил этилиб, дастурий маҳсулот ва маълумотлар банкларининг резерв нухсалари ушбу серверларга автоматик тарзда кўчириб борилиши йўлга қўйилиши лозим.

Маълумотлар банки ва дастурий маҳсулотдан резерв нухса олиш ва зарур ҳолларда резерв нухсадан уларни қайта тиклаш тартиб-қоидалари ишлаб чиқарувчи томонидан, тизимни фойдаланишга топшириш жараёнида, буюртмачининг администраторларига ўргатилиши ва кейинчалик бу амаллар буюртмачининг администраторлари томонидан мустақил равишда бажарилиши лозим.

Тизимнинг ишлаши учун фойдаланиладиган техник ва дастурий воситалар, ахборот тизимининг энг юқори юклама билан ишлаш ҳолатлари учун ҳам етарли бўлиши билан бир қаторда, ахборот тизимнинг фойдаланувчилари ҳамда бажарадиган вазифаларининг ортиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда камида 20 фоизлик фойдаланилмаган резервларга ҳам эга бўлиши лозим.

Серверларда фойдаланиладиган операцион ахборот тизим, маълумотлар банкени бошқариш ахборот тизими ва бошқа ёрдамчи дастурий воситалар турли носозликларга бардошли ва авария ҳолатларида тез қайта тиклаш имкониятларига эга бўлиши лозим.

Техник воситалар барқарор электр токи билан таъминловчи қурилма (UPS),

қўшимча таъминот блоки (дублирующий блок питания), юқори малакали техник қўллаб-қувватлаш хизмати ва зарур бутловчи қисмлар захирасига эга бўлиши лозим.

Техник ва дастурий воситаларда юзага келган носозликлар ҳамда уларни бартараф этиш учун кўрилган чоралар буюртмачининг администраторлари томонидан батафсил қайд этиб борилиши ва бундай носозликларни камайтириш чоралари ўз вақтида кўрилиши лозим.

3.1.5. Хавфсизлигига қўйиладиган талаблар

Электр тармоғига уланган барча техник воситалар тасодифий ташқи таъсирлардан лозим даражада ҳимояланган бўлиши ҳамда ГОСТ 12.1.030-81 стандарти талабларига асосан электр носозликларидан ҳимояланган бўлиши лозим.

Электр таъминоти тизими юкламанинг меъёридан ортиб кетиш ёки қисқа туташув ҳолатларида автоматик ўчиш, шунингдек авария ҳолатларида қўлда ўчириш имкониятларига эга бўлиши лозим.

Тизимнинг техник воситаларидан фойдаланишда меҳнат хавфсизлиги ва муҳофазасининг амалдаги қоидаларига амал қилиниши лозим.

Тизимнинг ишлаши учун фойдаланиладиган барча техник воситалар серияли ишлаб чиқарилган бўлиши ҳамда мувофиқлик сертификатига эга бўлиши лозим.

Техник воситалар жойлаштириладиган бинолар, уларни сақлаш, хизмат кўрсатиш ва хавфсизлигини таъминлаш шароитлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат стандартлари, шунингдек қонун ва қонуности ҳужжатлари талабларига жавоб бериши буюртмачи томонидан таъминланиши лозим.

Маълумотларни фақат кўриш ҳуқуқига эга бўлган оддий фойдаланувчилар учун техника хавфсизлиги бўйича қўшимча ўқувлар ўтказиш ёки махсус тайёргарликка эга бўлиш талаб этмаслиги ва улар томонидан тизимдан фойдаланишда йулга қўйилиши мумкин бўлган хатоликлар тизимишининг тўхтаб қолиши, маълумотларнинг йўқолиши ёки ўзгариб кетишига сабаб бўлмаслиги лозим.

Ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш учун:

- фойдаланувчиларнинг ахборот тизим маълумотлари ва функционал имкониятларига бўлган ҳуқуқлари турли даражада чегаралиниши кўзда тутилган бўлиши;

- ахборотларнинг бутунлиги ва тўлиқлиги таъминланиши;

- ахборот тизимруҳсатсиз кириш ҳаракатларидан ҳимояланган бўлиши;

- ахборот тизимфойдаланувчиларининганиқ идентификацияланиши;

- ахборот тизимда фойдаланувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини лозим даражада ёзиб бориш, зарурат булганда уларни назорат қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқланиши чеклаб қўйиш имкониятлари яратилган бўлиши;

- ахборот тизимда маълумотларни ўчириш, ўзгартириш ва бошқа алоҳида амалларни бажариш ҳуқуқига эга булган фойдаланувчиларнинг

ҳатти-ҳаракатларини кузатиш имкониятлари яратилган бўлиши лозим.

3.1.6. Эргономика ва техник эстетикага қўйиладиган талаблар

Тизимнинг фойдаланувчи билан мулоқоти визуал график интерфейс шаклида ташкил этилиб, ушбу интерфейс қулай ва тушунарли бўлиши, меъёридан ортиқ даражадаги график элементлар ва турли ранглар билан юкланган бўлмаслиги ҳамда фойдаланувчининг талабларига тезлик билан жавоб қайтариши лозим. Тизимнинг навигация элементлари ҳам фойдаланувчи учун қулай, тушунарли курунишга эга бўлиши ва оптимал жойда жойлаштирилиши лозим.

Тизимнинг интерфейсини лойиҳалаштиришда:

- ҳар бир модул бўйича экранда акс эттириладиган барча шакллар бир хил дизайнга эга бўлиши ва бошқарув элементлари бир хил жойда жойлаштирилиши;

- кўриниши ўхшаш бўлган бошқарув элементларининг ишлаш тартиби ҳам бир хил бўлиши (сичқонча олиб келинганда, босилганда, клавиатура тугмалари босилганда барча ўхшаш элементлар бир хил тартибда ишлаши);

- клавиатурадан асосан маълумотларни киритиш ва ўзгартиришда фойдаланиши, бошқа ҳолатларда сичқончадан фойдаланилиши кўзда тутилган бўлиши;

- интерфейс 1024x768 пиксел ва ундан катта ўлчамдаги экранларда бенуқсон, ноқулайликларсиз ишлаши кўзда тутилган бўлиши лозим.

Маълумотларни киритиш ойнасида маълумотларнинг хатосиз киритилишини таъминлашга автоматик тарзда ёрдамлашиб турадиган функция жорий этилиши лозим. Тизимнинг ишлашида хатолик юзага келганида, тизимбу ҳақда фойдаланувчига тушунарли бўлган хабарни экранга чиқариши лозим.

Тизимнинг маълумот киритиш қисмида фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома жойлаштирилган бўлиши ва фойдаланувчи томонидан исталган вақтда қайта ўқиб чиқиш имконияти яратилган бўлиши лозим.

Иш ўринларида фойдаланиладиган стационар ва мобиль компьютер техникалари фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш учун қулай бўлиши лозим.

Ишчи ходимларнинг ишлаш шароитлари ва фойдаланиладиган компьютер техникасининг кўрсаткичлари амалдаги санитария меъёрларига мос бўлиши лозим.

3.1.7. Тизим компонентларидан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва сақлашга қўйиладиган талаблар

Тизимнинг техник ва дастурий воситаларига буюртмачининг махсус техник тайёргарликка эга бўлган администраторлар гуруҳи томонидан хизмат кўрсатилади. Заруратга кўра, тизимга техник хизмат кўрсатиш учун, буюртмачи ишлаб чиқарувчи билан алоҳида шартнома тузиб, ушбу вазифани ишлаб чиқарувчининг ўзига юклатиши ҳам мумкин. Тизимга хизмат кўрсатувчи ходимлар техник ва дастурий воситалардан фойдаланиш ҳамда кичик

носозликларни мустақил бартараф этиш қоидаларини яхши билишлари лозим. Кўп учрайдиган кичик носозликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этиш усуллари, шунингдек техник ва дастурий воситаларга хизмат кўрсатишнинг энг оддий қоидалари тизмадминистраторлари учун мўлжалланган эксплуатация бўйича йўриқномада бўлиши лозим.

Техник воситаларни таъмирлаш ишлари ихтисослаштирилган сервис марказларида, юқори малакали мутахассислар томонидан амалга оширилиши лозим.

Техник воситалардан фойдаланиш шартлари нормал иқлим шароитлари ва санитария-гигиена талабларига мос бўлиши лозим.

Тизим ишини қўллаб-қувватлаш буюртмачининг администраторлари ва инженер-техник ходимлари томонидан амалга оширилиб, агар шартномада кўзда тутилган бўлса, бу ишларга ишлаб чиқарувчининг мутахассислари ҳам жалб этилиши мумкин.

3.1.8. Ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар

Ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тизимнинг барча таркибий қисмлари ва ишлаш босқичларида зарурий ҳимоя чоралари кўрилиши лозим.

Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда ахборотлар хавфсизлигини таъминлашнинг қуйидаги устувор жиҳатлари ҳисобга олиниши лозим:

- тизимдан легал равишда фойдаланувчилар учун реал вақт режимида керакли ахборотларни олиш имкониятининг мавжуд бўлиши;

- ахборотларнинг яхлитлиги, ишончлилиги, актуаллиги, зарарли ташқи таъсирлардан ҳимояланганлиги ва ноқонуний йўл билан кириб, ўзгартириб қўйишдан ҳимояланганлиги;

- ахборотларнинг ноқонуний йўл билан кириб, кўчириб олувчилар таъсиридан ҳимояланганлиги.

Ахборот тизимига давлат органларининг махфий ахборотлари киритилмайди ва уларни криптографик ҳимоя воситалари ёрдамида шифрлаб сақлаш талаб этилмайди.

Тизим серверлари ва тармоқ қурилмалари жойлаштирилган бинонинг ноқонуний ташқи таъсирлардан ҳимояланиши, тизимахборот хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади ва буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3.1.9. Аварияларда ахборотнинг сақланганлиги бўйича талаблар

Тизимнинг маълумотлар банки ва дастурий таъминотини автоматик тарзда ёки қўлда резерв нусхалаб туриш имкониятлари мавжуд бўлиши ва бу амалларни бажариш тартиби тизимни фойдаланишга топшириш жараёнида буюртмачининг администраторларига ўргатилган бўлиши лозим.

Тизим ишлашида авария ҳолатлари юзага келганида, резерв нусхаларда сақланган маълумотлар буюртмачининг администраторлари томонидан

мустақил равишда қайта тикланиши ёки бу масалада тизимнинг ишлаб чиқарувчиси ёрдамидан фойдаланилиши мумкин.

Ахборот тизими ўрнатилган серверлар электр тармоғидаги носозликлардан тўлиқ ҳимояловчи ва электр таъминотидаги узилишлардан камида 15 дақиқа давомида муқобил электр таъминоти ёрдамида сақлаб турувчи қурилмалар билан таъминланган бўлиши лозим.

Қуйидаги ҳолатлар учун ахборотларнинг сақланганлиги муҳим аҳамиятга эга:

- электр таъминотидаги носозликлар, узилишлар ёки бошқа ташқи таъсирнатижасидаоперационтизимёкидастурийтаъминотнингшидан чиқишҳолатларида;

- техник воситаларда носозлик ёки ишдан чиқиш ҳолатлари юзага келишинатижасидаоперационтизимёкидастурийтаъминотнингшидан чиқишҳолатларида;

- администраторнинг нотўғри ҳатти-ҳаракатлари натижасида тизимнинг ишдан чиқиши, дастурий таъминот ёки маълумотларнинг йўқотиб юборилиши ҳолатларида.

- Тизимнинг оддий фойдаланувчилари томонидан амалга ошириладиган ҳар қандай ҳаракатлар, тизимнинг ишдан чиқишига ёки маълумотларнинг йўқотиб юборилиши сабабчи бўлиши мумкин эмас.

3.1.10. Ташқи таъсирдан муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар

Тизим Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда очилиши мумкин.Бошқа тизимлар ёки ресурслар билан боғланганда VPN ёки бошқа турдаги ҳимояланган тармоқдан фойдаланиш мумкин.

Тизимнинг серверлари ва алоқа воситалари жойлаштирилган хонадаги шарт-шароитлар ушбу техник воситаларнинг ишлаб чиқарувчиси томонидан эксплуатация қилиш учун қўйилган иқлим, муҳит, техник ва бошқа талабларга тўлиқ жавоб бериши лозим.

3.1.11. Патент ва лицензия софлигига қўйиладиган талаблар

Ахборот тизим доирасида фойдаланиладиган операцион тизимлар, маълумотлар банкини бошқариш тизимва бошқа дастурий таъминотларнинг патент ва лицензия софлиги буюртмачи томонидан таъминланиши лозим.

3.1.12. Стандартлаштириш ва бир хиллаштириш бўйича талаблар

Тизимнинг функционал модулларини ишлаб чиқиш жараёнида бир-бирига ўхшаш бўлган барча вазифаларнинг техник, информацион, лингвистик, математик ва ташкилий ечимлари бир хил бўлишига эришилиши лозим.

Ўхшаш вазифаларнинг ечимлари бир хил бўлиши учун:

- фойдаланувчи интерфейсининг ягона услубга эгаллиги ва амалларнинг дастурий-техник ечимлари бир хиллаштирилиши;

- ягона услуб ва андозага эга бўлган дастурлаш воситаларидан фойдаланиш;

- тизимни ишлаб чиқишда, нисбатан кенг тарқалган дастурлаш тиллари,

воситалари ва технологияларидан фойдаланиш;

- халқаро мувофиқлик сертификатига эга бўлган ва серияли ишлаб чиқариладиган техник воситалардан фойдаланиш;

- дастурий маҳсулотнинг ишлаши учун қўшимча равишда жалб этиладиган дастурлар ва компонентлардан фойдаланишни имкон даражасида камайтириш.

3.1.13. Қўшимча талаблар

Ахборот тизимини ишлаб чиқиш, фойдаланишга топшириш ва техник қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча талаблар буюртмачи ҳамда ишлаб чиқарувчи ўртасида тузиладиган шартномада ва бошқа ҳужжатларда кўзда тутилиши мумкин.

3.2.Тизим томонидан бажариладиган функцияларгақўйиладиган талаблар

3.2.1. Асосий талаблар

Тизимқуйидаги бўлимлардан ташкил топган бўлиши лозим:

- Биз ҳақимизда.
- Янгиликлар.
- Қонунчилик.
- Жорий фаолият.
- Видеогалерея.
- Фотогалерея.
- Мониторинг натижалари.
- Онлайн трансляция.
- Виртуал саёҳат.
- Ахборот-таҳлилий ҳужжатлар.
- Боғланиш.

3.2.1.1.Навигация

Тизимнинг фойдаланувчи интерфейси унда жойлаштирилган маълумотларнинг структурасини визуал, интуитив тарзда тақдим этиши, бўлимлар ва саҳифаларга тез ва мантиқий ўтишни таъминлаши керак. Навигация элементлари фойдаланувчи томонидан уларнинг маъносини аниқ тушунишини таъминлаши керак: саҳифаларга ҳаволалар сарлавҳалар билан таъминланиши керак.

Тизим фойдаланувчи учун мавжуд бўлган барча манбалар орқали навигацияни таъминлаши ва тегишли маълумотларни кўрсатиши керак. Навигация учун таркиб менюси тизимидан фойдаланиш керак. Меню чап устунда ёки саҳифанинг юқори қисмида (тасдиқланган дизайнга қараб) матн майдончаси (ҳаволалар рўйхати) бўлиши керак.

Бўлимларни ўз ичига олган бўлимлар учун очиладиган пастки меню бўлиши керак.

Агар фойдаланувчи менюсида бирон бир нарсани танласа, тегишли

маълумот саҳифаси (янгиликлар тасмаси, мулоҳаза шакли ва бошқалар) юкланиши керак ва танланган бўлимнинг кичик бўлимлари рўйхати меню блокада (ёки саҳифанинг асосий қисмида, тасдиқланган дизайнга қараб) очилиши керак.

3.2.1.2. Ахборот тизимни маълумотлар билан тўлдириш (контент)

Тизимни такомиллаштириш доирасида Бажарувчи барча маълумотларни Буюртмачининг асосий тизимига киритилишини таъминлаши керак. Келажақда контентга янги маълумотлар юклашни Бажарувчи тизим ишга қўйилганидан кейин 1 йил давомида амалга ошириши керак. Бажарувчи амалдаги сайтларнинг маълумотлар базаларидан барча маълумотларни мустақил равишда кўчиради. Бажарувчи барча маълумотларни иккитилда тақдим этади. (ўзбек ва рус тилларида).

Бажарувчи тизимнинг асосий расм кўринишидаги файлларни (қуйи палатанинг тузилиши, жойлашув харитаси) техник талабларга мувофиқлаштириш учун қайта ишлашни таъминлаши шарт.

Тизимнинг барча бўлимлари саҳифалари дастурий таъминот асосида сервердаги маълумотлар базасидан олинган маълумотларга асосланган ҳолда яратилиши керак.

Бўлимларнинг таркибини ўзгартириш администраторнинг веб-интерфейси (таркибни бошқариш тизими) орқали амалга оширилиши керак, бу дастурлашнинг махсус кўникмаларидан фойдаланмасдан (дастурлаш ва махсус кодлаш ёки форматлашни ишлатмасдан) сайт саҳифаларининг ахборот таркибини таҳрирлаш имкониятини таъминлаши керак. Ахборотни тўлдириш тизим саҳифаси шаблонлари ёрдамида амалга оширилиши керак.

Тизимни ривожлантириш доирасида Буюртмачи томонидан берилган статик маълумотларнинг яратилаётган динамик бўлимларга киритилишини таъминлаши керак (ушбу Техник топшириқда назарда тутилган функцияларни ҳисобга олган ҳолда). Матнли маълумот мижоз томонидан MS Word 2016 (DOC, DOCX) форматидаги алоҳида файллар, график файллар (PDF, JPG, PNG) ва тизим таркибини самарали равишда тўлдиришга хизмат қиладиган бошқа маълумотлар кўринишида тақдим этилиши керак. Файл номлари бўлим номларига мос келиши керак. Матнларни топширишдан олдин улар тузатилган ва таҳрирланган бўлиши керак. График материал JPG, PNG форматида тақдим этилиши керак. График файл номлари файл таркибини акс эттириши лозим. Тизимнинг галереялари ва бўлимлари учун расмлар улар учун мўлжалланган тизимнинг галереяси ёки бўлимига мос келадиган номлар билан папкаларда ёки архивларда жойлаштирилиши керак.

Тизим фойдаланишга топширилгандан сўнг, бўлимларнинг ахборот мазмуни, шу жумладан график материалларни қайта ишлаш ва нашрга тайёрлаш, Буюртмачи томонидан мустақил равишда ёки тизимни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида келишув асосида амалга оширилиши керак.

3.2.2.Функционал вазифаларга қўйиладиган талаблар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2013 йил 31 декабрдаги 355-сон қарорининг 3 иловаси “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талабларга тўлиқ жавоб бериши лозим.

Ушбу техник топшириқ доирасида Қонунчилик палатаси депутатларининг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича баҳолаш ва рейтинг ахборот тизими тўлиқ қайта ишланиши керак.

Ишларни бажарувчи ахборот тизимни лойиҳалаштиришдан бошлаб хостинг хизматига тўлиқ ўрнатилгунга қадар барча ишларни амалга ошириши лозим.

Бажарувчи томонидан Қонунчилик палатаси депутатларининг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича баҳолаш ва рейтинг ахборот тизими замонавий талаблар асосида ишлаб чиқиши керак.

3.2.2.1.Контентни бошқариш тизими (CMS)

Шунингдек контентни бошқариш тизимини (тизимнинг админ қисми) статик ва динамик саҳифаларнинг таркибини қўшиш, таҳрирлаш ва ўчириш имкониятини таъминлаши керак. Тизимда кўрсатмасдан ҳам маълумот қўшиш имконияти бўлиши керак.

Таркибни бошқариш тизимида қуйидаги талабларга жавоб берадиган стандарт Windows интерфейси бўлиши керак:

- график ойнали режимда амалга ошириш;
- ягона дизайн услуби;
- интерфейс элементларининг интуитив мақсади;
- экранда фақат маълум бир фойдаланувчи учун мавжуд бўлган хусусиятларни кўрсатиш;
- экранда фақат жорий қўлланиладиган муаммони ҳал қилиш учун зарур бўлган маълумотларни акс эттириш;
- узоқ муддатли ишлов бериш жараёнларининг боришини экранда акс эттириш;
- одатдаги ва тез-тез ишлатиладиган операцияларни бажариш учун фойдаланувчи билан диалог оптималлаштирилиши керак;
- ахборотни оммавий киритиш бўйича операциялар учун стандарт амалларни бажариш учун клавиатурадаги тугмалар сонини минималлаштириш таъминланиши керак.

3.2.2.2.Бўлимларнинг функционал имкониятлари

3.2.2.2.1.Бош саҳифа

Биз ҳақимизда:

Бу саҳифаларда қуйидаги маълумотлар жойлаштирилиши керак:

- Жамоатчилик кенгаши;
- Олий Мажлиспалаталари;
- Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

Янгиликлар:

- Қабул қилинаётган қонунлар;
- Президент Фармон ва қарорлари;
- Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- Бошқа янгиликлар;

Қонунчилик (соҳалар кесимида):

- Иқтисодиёт;
- Суд-ҳуқуқ;
- Меҳнат муносабатлари;
- Соғлиқни сақлаш;
- Мудофаа ва хавфсизлик;
- Халқаро алоқалар;
- Савдо-саноат;
- Аграр ва сув хўжалиги;
- Фан, таълим, маданият ва спорт;
- Инновациялар, ахборот ва коммуникация технологиялари;
- Экология;

Жорий фаолият:

- Қонунчилик палатасининг иш режаси;
- Навбатдаги ялпи мажлис кун тартиби;
- Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қарорлар;
- Ҳисоботлар;
- Статистика;

Тарих:

- Илк ўзбек парламентаризми;
- Олий Кенгаш тарихи;
- Бир палатали Олий Мажлис тарихи;
- Икки палатали Олий Мажлис тарихи;
 - I-чақирик;
 - II-чақирик;
 - III-чақирик;
 - IV-чақирик;

Ўзбекистон Республикаси:

- Ўзбекистон тарихи;
- Худуди;
- Аҳолиси;
- Бошқарув шакли;
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- Давлат рамзлари;
- Миллий байрамлари;

Халқаро ҳамкорлик.

Видеогалерея.

Фотогалерея.

Онлайн трансляция.

Виртуал саёхат.

Боғланиш.

- Жойлашган манзили, телефон, факс;
- Электрон почта манзиллари;
- Қабул кунлари;
- Етиб келиш харитаси чизмаси (автобуслар, бекат номи) ва бошқа тегишли маълумотлар.

** Ахборот тизим дизайнини тасдиқлаш жараёнида ўзгартириш киритилиши мумкин.*

** Ахборот тизим жорий этилган кундан бошлаб 6 ой ичида Буюртмачи томонидан дастурий таъминотнинг функционалига кичик ўзгартиришлар киритилиши назарда тутилиши шарт.*

Шунингдек қуйидаги қўшимча функциялар ҳам назарда тутилиши лозим:

Қидирув тизими.

Ахборот тизиммукамал қидирув тизими функцияси бўлиши керак. Қидирув натижалари ҳар бир натижа учун саҳифанинг номи ва сўров топилган ахборот блокиннинг қисмини кўрсатиб, алоҳида саҳифада кўрсатилиши керак. Сўровга киритилган сўзларни ажратиб кўрсатиш керак.

Онлайн трансляция.

Қонунчилик палатасининграсмий веб-сайтда ва ижтимоий тармоқларда (Youtube, Facebook, Instagram) онлайн трансляция қилинаётган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг йиғилишлариниахборот тизимдатрансляция қилинишини таъминланиши керак.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биносига онлайн саёхат(Virtual tour).

Ахборот тизимдан фойдаланувчилар учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси бино ва залларига онлайн саёхат қилиш имконияти мавжуд бўлиши керак.(<https://tuit-vrtour.ml>). Шунингдек кўзи ожизлар учун Қонунчилик палатасигаовозли саёхат тугмаси бўлиши керак.

Депутатларнинг ялпи мажлис биносида жойлашуви.

Ахборот тизим бош саҳифасининг қуйи қисмида депутатларнинг сиёсий партияларга мансублигига қараб, уларнинг ялпи мажлислар залидаги ўринлари харитаси (харита) жойлаштирилиши лозим. Компьютер сичқончаси кўрсаткичини харитадаги ўринга олиб борилса депутатнинг расми ва расмнинг тагида қисқача маълумот бўлиши, шунинг билан бирга хаританинг ўнг томонида Ўзбекистон Республикаси харитасида депутат сайланган вилоят ажратилиб кўрсатилиши лозим.

Депутатларнинг гендер бўйича сони.

Ахборот тизим бош саҳифасининг қуйи қисмида, депутатлар жойлашув харитасининг пастги қисмида Қонунчилик палатасидаги депутатларнинг гендер бўйича сонини кўрсатиб турадиган диаграмма бўлиши лозим.

Видеобаёнот.

Тизим бош саҳифасиднинг пастги қисмида, гендер бўйича статистикадан сўнг депутатлар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида юз бераётган воқеалар юзасидан баёноتلари акс эттирилган видеолар жойлаштирилиши лозим.

3.2.3. Ахборот тизиминингдизайнига қўйиладиган талаблар

3.2.3.1.Умумий талаблар

Дизайн, замонавий ахборот ресурсларига қўйиладиган талаблар инобатга олиши лозим. Яқдил, фойдаланувчи учун ёқимли бўлиши, бўлимлар ўртасида тушунарли ва қулай бўлиши лозим. Дизайн Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий тизимга қўйиладиган асосий талабларга мос бўлиши керак.

Ахборот тизимда парламент фаолиятига доир маълумотларни тақдим қилиш янги усулларидан фойдаланилиши керак. Ахборот тизимнинг бош саҳифасига алоҳида эътибор берилиши керак. Чунки бош саҳифа орқали тизимнинг турли бўлимларига ўтиш мумкин. Бош саҳифа орқали турли бўлимларда жойлашган маълумотларга тезкор ўтиши учун фойдаланувчи учун тушунарли бўлиши ҳамда маълумотлар билан ҳаддан ташқари юклатилган бўлмаслиги лозим.

Ахборот тизимдизайнининг барча кўринишлари, хусусан ички бўлимлар

кўриниши ҳам, буюртмачи билан келишилади.

Дизайн ахборот таркибини бузмаслиги керак: гарчи тизимжуда кўп графикага эга бўлиши керак бўлса-да, навигация нуқтаи назаридан фойдаланувчиларга қулай бўлиши ва бир нечта ташрифлар учун қизиқарли бўлиши керак.

Ахборот тизим дизайни замонавий технологиялар ёрдамида, компьютер, планшет ва смартфон браузерлари учун мослашувчан дизайнни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак. Матннинг шрифти ва ранги танланган фонни ҳисобга олган ҳолда ўқилиши керак.

3.2.3.2. Навигация ва ахборот элементлари

- Тизимноми (заголовок тизима);
- Асосий меню;
- Контентнинг асосий қисми;
- Субстрат (подложка).

3.2.3.3. Тизимноми (заголовок)

Ахборот тизим сарлавҳасида логотип ва сарлавҳа, расм (коллаж) ва алоқа маълумотлари бўлиши керак. Логотип - бу тизимнинг асосий саҳифасига ҳавола. Ушбу бўлимда расм ва матн кўринишдаги маълумотларни ўзгартириб туриш имконияти яратилиши лозим.

3.2.3.4. Асосий ва ёнбош менюлар

Асосий меню ойнанинг юқори қисмида (сарлавҳа остида) жойлашган бўлиши ва биринчи даражадаги барча бўлимларга ҳаволаларни ўз ичига олиши керак.

Меню чап ёки ўнг томонда ёки деразанинг юқори қисмида жойлашган бўлиши керак (тасдиқланган дизайн тартибига асосан), биринчи даражадаги танланган бўлим учун мавжуд бўлган қисмга ҳаволаларни ўз ичига олиши керак.

3.2.3.5. Контентнинг асосий майдони

Контентнинг асосий майдонидаги маълумотлари марказлаштирилган бўлиши керак. Ушбу майдон танланган бўлимнинг асосий таркибини акс эттиради. Материалларнинг услуби ва уларнинг элементлари (ҳаволалар, сарлавҳалар, асосий матн, расмлар, шакллар, жадваллар ва бошқалар) тизимнинг барча саҳифаларида бир хил бўлиши керак.

Контентни ташкил қилувчи дастурий модуллар администратор томонидан динамик равишда қўшиш, ўзгартириш, ўчириш ва фаоллаштириш (active, inactive) имконияти яратилиши керак.

3.2.3.6. Субстрат (подложка)

Субстрат муаллифлик ҳуқуқи эгалари тўғрисидаги маълумотларни, тизим яратувчисига ҳаволани ўз ичига олиши керак. Ахборот тизимини веб-каталогда рўйхатдан ўтказган ҳолда, ушбу каталоглар учун ҳисоблагичлар субстратда жойлашган бўлиши мумкин.

3.2.3.7. Статик саҳифа

Одатда саҳифанинг юқори қисмида тизимнинг сарлавҳа ва навигация менюси бўлиши керак; саҳифанинг чап томони асосий таркиб қисмини акс эттиради, ўнг томонда тематик боғланишлар, пастки қисмида пастки қатлам бўлиши керак.

Статик саҳифа матн ва расмларни ўз ичига олиши керак.

3.3.1.Математик таъминотига қўйиладиган талаблар

Ахборот тизимининг математик таъминоти учун алоҳида талаблар қўйилмайди. Тизимни ишлаб чиқиш жараёнида амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосланади. Меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солилмаган ҳолатларда мантиқан оптимал бўлган математик услублар, моделлар ва алгоритмлардан фойдаланилиши лозим.

3.3.2. Ахборот таъминотига қўйиладиган талаблар

3.3.2.1.Тизимга киритиладиган маълумотларнинг таркиби, тузилмаси ва шакллантириш услубларига қўйиладиган талаблар

Тизимга киритиладиган маълумотлар замонавий реляцион маълумотлар базасини бошқариш тизимда сақланиши ва бошқарилиши лозим. Маълумотларнинг тўлиқлиги ва ўзаро уйғунлигини таъминлаш учун маълумотлар базасини бошқариш тизимнинг ички механизмларидан фойдаланилиши лозим. Маълумотлар базаси нормализация қоидалари бўйича шакллантирилиши лозим. Истиснолар - кўриш ва юклаб олиш учун мўлжалланган маълумотлар файллари (расмлар, видеолар, ҳужжатлар ва бошқалар). Бундай файллар файл тизимида сақланади ва уларга ҳаволалар маълумотлар базасига жойлаштирилади.

3.3.2.2.Тизим компонентлари ўртасидаги ахборот алмашинувига қўйиладиган талаблар

Тизимнинг модуллари ва таркибий қисмлари ўртасида ахборот алмашинуви умумфойдаланиладиган маълумотлар базаси орқали амалга оширилиши лозим.

Тизимнинг электрон ҳужжат айланиш тизими билан ўзаро мувофиқлиги таъминланиши керак.

Тизим «мижоз/сервер» технологияси асосида ташкил этилиб, бунда:

- мижоз(фойдаланувчи) дастури InternetExplorer, MicrosoftEdge, GoogleChrome, MozillaFirefox, Opera,Safarива бошқаweb-браузерлар орқали ишлайдиган web-илова шаклида бўлиши;

- тизимнинг барча асосий амалларини бажарувчининг дастурий маҳсулот дастурлар серверида жойлаштирилиши;

- тизимнинг маълумотлар базаси маълумотлар базаси серверида жойлаштирилиши лозим.

Буюртмачининг имкониятларига кўра, дастурлар сервери ва маълумотлар базаси сервери сифатида битта ягона сервердан фойдаланилиши ҳам мумкин.

Тизим серверини масофадан бошқариш, стандарт тармоқ технологиялари

асосида, химояланган ахборот узатиш тармоқлари орқали амалга оширилиши лозим.

3.3.2.3.Веб-сайтлар билан мувофиқлигига қўйиладиган талаблар

Бошқа веб-сайтлар билан мувофиқлиги таъминлаш учун, тизимда маълумот алмашишнинг қуйидаги шакллари кўзда тутилиши лозим:

- маълумотларни экспорт ва импорт қилиш имконияти;
- маълумотлар базасига масофадан уланиш;
- тизимга веб-сервис технологияси орқали боғланиш.

Тизимнинг бошқа веб-сайтлар билан мувофиқлиги таъминлашда О'зДSt 2590:2012 давлат стандарти талабларига риоя этилиши лозим.

3.3.2.4.Маълумотлар базасини бошқариш тизимга қўйиладиган талаблар

Тизимга юклатилган барча вазифаларнинг тўлақонли бажарилишига эришиш учун, маълумотлар базасини бошқариш тизимиқуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- маълумотларни реляцион тартибда сақлаш ва SQL тилидаги сўровлар асосида ишлай олиши;

- “мижоз-сервер” архитектурасига мос келиши;

- турли операцион веб-сайтлар ва техник воситаларда ишлайдиган версияларга эга бўлиши;

- интероперабеллик (бошқа архитектурадаги веб-сайтлар билан ҳамкорликда ишлай олиши).

- кўп оқимлилиқ (многopotочность);

- ишончлилиқни таъминлаш воситаларига эга бўлиш: транзакциялар журналини юритиш, тизимишини тўхтатмай туриб, маълумотлардан резерв нусха олиш ва қайта тиклаш имконияти;

- маълумотлар бутунлигини таъминлаш воситаларига эга бўлиш;

- сўровларни оптималлаштириш воситаларига эга бўлиш;

- хафвсизлиқни таъминлашнинг ички механизмларига эга бўлиш.

Фойдаланиладиган маълумотлар базасини бошқариш тизим О'зДSt 1135:2007 давлат стандарти талабларига жавоб бериши лозим.

3.3.3.Лингвистик таъминотига қўйиладиган талаблар

3.3.3.1.Фойдаланиладиган дастурлаш тилига қўйиладиган талаблар

Тизимни ишлаб чиқишда бугунги кунда мижоз-сервер технологиясидаги веб-иловалар ишлаб чиқишда энг кенг фойдаланиладиган дастурлаш тилларидан бирортасидан (Java, PHP ёки бошқа) фойдаланилиши лозим.

Дастурлаш тилидан фойдаланиш масаласи, тизимни ишлаб чиқиш жараёнида ишнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда танланади.

3.3.3.2.Маълумотларни бошқариш тилига қўйиладиган талаблар

Маълумотларни бошқариш тили сифатида SQL сўровлар тилидан фойдаланилиши лозим.

3.3.3.3. Маълумотларни тўплаш форматларига қўйиладиган талаблар

Тизимнинг маълумотлар базасига киритиш учун тўпланадиган бошланғич маълумотлар Microsoft Word ва Microsoft Excel дастурлари форматида бўлиши лозим.

3.3.3.4. Тизим интерфейсининг тилларига қўйиладиган талаблар

Ахборот тизим, ўзбек (лотин), рус тилларида тайёрланиши керак. Тизимнинг исталган саҳифасида тиллар ўртасида алмашилиши имконияти бўлиши керак. Тизимнинг биринчи маротаба юкланиши ўзбек (лотин) тилида бўлиши лозим. Буюртмачи томонидан барча маълумотларнинг таржималари тақдим қилиниши таъминланади.

3.3.3.5. Фойдаланувчи билан мулоқотни ташкил қилиш услубига қўйиладиган талаблар

Фойдаланувчи томонидан тасодифан хато амаллар бажарилишининг эҳтимоллигини камайтириш ҳамда киритилаётган маълумотларнинг мантиқан тўғрилигини назорат қилиш кўзда тутилган бўлиши лозим.

Фойдаланувчи томондан матнда хатолик аниқланганда ушбу хатолик тўғрисида тизимадминистраторига автоматик хабар йўллаш имконияти яратилиши лозим.

3.3.4. Дастурий таъминотга қўйиладиган талаблар

Фойдаланувчи дастурий таъминоти қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- веб-браузер: Internet Explorer 10.0 ва ундан юқори версияси ёки Firefox 30 ва ундан юқори версиялар, ёки Opera 30 ва ундан юқори, ёки Safari 3.2.1 ва ундан юқори, ёки Chrome 22 ва ундан юқори версиялари.

- javascript, Flash ва cookies ларни қўллаш имконияти мавжуд бўлиши керак.

3.3.5. Техник таъминотига қўйиладиган талаблар

Тизимнинг ишлаши учун фойдаланиладиган барча техник воситалар ишончлилик, экологик тозаллик, хавфсизлик ва техник хусусиятлари бўйича замонавий компьютер техникаларига қўйиладиган барча талаблар ва нормаларга мос бўлиши ҳамда халқаро мувофиқлик сертификатларига эга бўлиши лозим.

3.3.6. Метрологик таъминотига қўйиладиган талаблар

Тизимни жорий этиш ва унинг доимий барқарор ишлашига эришиш учун, буюртмачи томонидан тизимдан фойдаланишнинг барча тартиб-қоидаларини қамраб олган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва тизимдан фойдаланувчи ҳамда унга хизмат кўрсатувчи барча ходимларга етказилиши лозим.

Ходимлар томонидан нотўғри амаллар бажарилишининг олдини олиш учун:

- администраторлардан ташқари барча фойдаланувчилар учун тизимдаги

маълумотлар ва созланмаларни ўчириш ҳуқуқи берилмаслиги;

- тизимдан фойдаланиш қоидалари бўйича тўлиқ ва тушунарли йўриқномалар ишлаб чиқилиб, дастлабки ҳамда доимий ўқувлар ўтказиб борилиши;

- тизимнинг барқарор ишлаши учун зарур бўлган барча техник ва ташкилий ишлар ўз вақтида амалга ошириб борилиши лозим.

3.3.7. Ташкилий таъминотига қўйиладиган талаблар

Тизимнинг барқарор ва тўлақонли ишлатиш учун талаб этиладиган ташкилий ишлар рўйхати ишлаб чиқувчи томонидан тайёрланиб, буюртмачига тақдим этилади ва жараёни ушбу талаблар асосида ташкил этиш, тизимишлаганининг муҳим шарти ҳисобланади.

3.3.8. Услубий таъминотига қўйиладиган талаблар

Тизимнинг ишлаш услублари мазкур техник топшириқда белгиланган талаблар асосида ишлаб чиқувчи томонидан тайёрланиб, тайёр дастурий маҳсулот шаклида буюртмачига тақдим этилади. Тизимни фойдаланишга қабул қилиб олиш жараёнида, томонларнинг келишувига асосан тизимнинг услубий таъминотга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

4. Тизимни яратиш бўйича ишларнинг таркиби ва мазмуни

Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этиш O‘z DSt 1986:2018 давлат стандартига асосан босқичма-босқич амалга ошириладиган ташкилий ва амалий ишлар комплексидан иборат.

Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этиш давомида қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

- зарур техник воситалар сотиб олиш ва олиб келтириш;
- техник воситаларни ўрнатиш ва фойдаланишга шай ҳолатга келтириш;
- тизимнинг барча фойдаланувчилари ва серверлар ўртасида ҳимояланган алоқа каналларини ташкил қилиш;
- мазкур техник топшириққа асосан тизимни ишлаб чиқиш;
- тизимнинг ишлашини текшириш ва қўшимча ишлов бериш;
- тизимдан фойдаланувчи ва унга хизмат кўрсатувчи ходимлар учун махсус ўқувлар ўтказиш;
- тизимни синов тариқасида фойдаланишга топшириш;
- тизимнинг ишлашини синовдан ўтказиш ва қўшимча ишлов бериш;
- тизимни фойдаланишга топшириш.

4.1-жадвал. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ишларининг таркиби ва мазмуни:

№	Ишларнинг номи ва мазмуни	Бажариш муддатлари		Бажарувчи (ташкilot, корхона)	Босқич нима б-н тугайди
		Боши	яқуни		

1	<p>Дастлабки лойиҳавий ечимларни ишлаб чиқиш (эскиз лойиҳасини амалга ошириш):</p> <ul style="list-style-type: none"> - тизим функциялари; - тизим модулларнинг функциялари, уларнинг мақсадлари ва кутиладиган натижалар; - вазифалар таркибини шакллантириш; - маълумотлар базасининг концепцияси ва тузилмаси; - маълумотлар базасини бошқариш тизимнинг функциялари; - ҳисоблаш тизимнинг таркиби; - дастурий воситаларнинг функциялари ва параметрлари. 				
2	<p>Техник лойиҳани амалга ошириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Тизим ва унинг қисмлари бўйича лойиҳавий ечимларни ишлаб чиқиш; - Тизимни ишлаб чиқиш бўйича ишчи ҳужжатларни тайёрлаш; - Тизимни ишлаб чиқиш. 				
3	<p>Фойдаланиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - вазифалар йўриқномалари; - фойдаланиш тартиби бўйича йўриқномалар. 				
4	<p>Тизимни топшириш учун тайёрлаш; Ходимларни тайёрлаш; Техник ва дастурий воситаларни ишга тайёрлаш; Тизимни ишга тушириш; Дастлабки текшириш ишлари; Синов тариқасида ишлатиб кўриш; Қабул қилиш синовидан ўтказиш.</p>				
5	<p>Тизимга хизмат кўрсатиш: Хизмат кўрсатиш режасини тасдиқлаш; Кафолатли хизмат кўрсатиш ишлари; Кафолат муддатидан кейинги хизмат кўрсатиш ишлари.</p>				

5. Тизимни назорат қилиш ва қабул қилиш тартиби

5.1. Тизимни қабул қилиш тартиби

O'z DSt 1986:2018 давлат стандартига асосан тизимни текшириш, синовдан ўтказиш ва қабул қилиш ишлари қуйидагилардан ташкил топади:

- 1) дастлабки текширишлардан ўтказиш;
- 2) тизимдан синов тариқасида фойдаланиш;
- 3) қабул қилиш синовидан ўтказиш.

Тизим фойдаланишга яроқлилиги ва мазкур техник топшириқда қўйилган талабларга жавоб бериши бўйича дастлабки текширишлардан ўтказилиши лозим. Дастлабки текшириш ишлари ижобий яқунланганда, тизимдан синов тариқасида фойдаланишга бошланиши мумкин.

Тизимдан синов тариқасида фойдаланиш ишлари буюртмачининг махсус ўқувларда иштирок этган ходимлари томонидан ўтказилади. Синовдан ўтказиш ишлари 5 иш кунидан кам ва 15 иш кунидан кўп бўлмаслиги лозим. Заруратга кўра тизимни синовдан ўтказиш ишларининг натижалари тўғрисида баённома тузилиши ва томонларга бир нусхадан тақдим этилиши мумкин.

Ахборот тизимдан синов тариқасида фойдаланиш ишлари ижобий яқунлангач, тизимқабул қилиш синовидан ўтказилади. Қабул қилиш синови натижалари бўйича тизимфойдаланишга топширилади ва ундан амалда фойдаланишга бошлаш имконияти яратилади.

Қабул қилиш синовидан қуйидагилар кўриб чиқилиши лозим:

- ахборот тизимнинг барча модуллари;
- фойдаланиш ҳужжатларининг тўлиқлиги ва тушунарлилиги;
- ходимларнинг фойдаланиш ҳужжатлари билан танишганлик даражаси ва тизимдан мустақил фойдаланишга тайёрлик даражаси.

Ахборот тизимини фойдаланиш учун қабул қилиш жараёнида тизимнинг барча модуллари фойдаланишга яроқлилик ва мазкур техник топшириқда қўйилган ҳамда тизимни ишлаб чиқиш давомидаги келишувларга асосан техник топшириққа киритилган ўзгаришлар талабларига жавоб бериши бўйича буюртмачи томонидан синовдан ўтказилади.

Фойдаланиш ҳужжатларининг тўлиқлиги ва тушунарлилигини текширишда:

- фойдаланиш ҳужжатларининг мазкур техник топшириқ талабларига тўлиқ мос келиши;

- буюртмачининг ходимлари тизимдан фойдаланиш ҳамда унга хизмат кўрсатишга тўлиқ тайёрлиги;

- фойдаланиш ҳужжатларининг тўлиқлиги ва тушунарлилиги буюртмачи томонидан текшириб, қабул қилинади.

Дастлабки текширишлардан ўтказиш, тизимдан синов тариқасида фойдаланиш ва қабул қилиш синовидан ўтказиш ишларининг ҳар бири бўйича, заруратга кўра тегишли баённома расмийлаштирилиши ва томонларга бир нусхадан тақдим этилиши мумкин.

Ахборот тизимининг фойдаланишга топширилганлиги ва қабул қилиб

олинганлиги, шартномага асосан бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома билан расмийлаштирилиши лозим.

5.2.Текшириш ва синовлардан ўтказиш шартлари

Дастлабки текшириш ва синов тариқасида фойдаланиш натижаларига кўра, тизимни қабул қилиш синовларидан ўтказиш вақти, жойи ҳамда унда қатнашувчиларнинг таркиби буюртмачи томонидан белгиланиб, ишлаб чиқарувчи билан келишилиши лозим.

О‘зДSt 1987:2018 давлат стандарти талабларига кўра, тизимни текшириш ва синовдан ўтказиш ишлари буюртмачининг объектларида олиб борилиши лозим. Томонларнинг келишувига кўра, тизимни текшириш ва синовдан ўтказиш ишлари ишлаб чиқарувчининг худуди ва техник воситаларида ўтказилиши ҳам мумкин.

Буюртмачининг техник воситалари тизимни жорий қилиш учун тайёр бўлмаган ҳолатларда, тизимбуюртмачи томонидан ташкил этиладиган синовдан ўтказиш стендида ёки ишлаб чиқарувчи томонидан вақтинча ажратиладиган техник воситаларда ўтказилиши мумкин. Синов стенди бир дона сервер, икки дона ишчи станция ва локал компьютер тармоғидан иборат бўлиши етарли ҳисобланади.

Фойдаланиладиган дастурий воситалар учун буюртмачида лицензиялар мавжуд бўлмаган ҳолларда, буюртмачи дастурий воситаларнинг лицензиясиз, вақтинчалик синов тариқасида ишлатиш мумкин бўлган версияларидан фойдаланиши мумкин. Бундай ҳолларда, тизимни фойдаланишга қабул қилиб олиш муддатларини белгилаш вақтида дастурий воситаларнинг лицензиясиз фойдаланиш мумкин бўлган муддатлари буюртмачи томонидан ҳисобга олинishi лозим.

Тизимни синовдан ўтказиш ва қабул қилиш ишлари юқоридаги талаблар асосида ўтказилганда, улар объектив ва етарли деб ҳисобланади.

5.3. Қабул қилиш комиссиясининг тузилиши тартиби, таркиби ва статуси

Ахборот тизимини фойдаланишга қабул қилиб олиш учун, заруратга кўра, буюртмачи махсус қабул қилиш комиссияси тузиши, унинг раҳбари ва аъзоларини тайинлаши ҳамда тизимни ишлаб чиқарувчининг вакиллари иштирокида фойдаланишга қабул қилиб олиш мумкин.

Ахборот тизимидан фойдаланувчи объектнинг раҳбари, қабул қилиш комиссиясининг раҳбари бўлиши ёки комиссия таркибига киритилишига йўл қўйилади.

Қабул қилиш комиссияси тузилганда, унинг таркибида буюртмачи ва ишлаб чиқарувчининг камида биттадан вакиллари бўлиши шарт.

Қабул қилиш комиссияси ўз фаолиятининг якунига кўра тизимни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида далолатнома тузиб, уни тасдиқлаш учун буюртмачига тақдим этади. Тизимни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида далолатнома қабул қилиш комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланган бўлиши лозим. Ушбу далолатнома ишлаб чиқарувчи томонидан тасдиқланиши талаб этилмайди.

5.4. Ахборот тизимга кафолатли хизмат кўрсатилиши.

Қонунчилик палатаси депутатларининг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича баҳолаш ва рейтинг ахборот тизимини бажарувчи томонидан кафолатли хизмат кўрсатиш муддати тизимнинг бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) йил давомида амалга оширилади.

Қафолатли хизмат кўрсатишга қуйидагилар киради:

- тизимда пайдо бўладиган хатоларни бартараф этиш;
- тизимда ишлатилган дастурий воситаларнинг янгиланишларни амалга ошириш;
- тизимнинг фаолиятига доир администратор ва операторларни техник ҳужжатларда кўзда тутилган ва тутилмаган масалалар бўйича маслаҳат бериш.
- тизимнинг фаолиятига доир техник ҳужжатларда кўзда тутилган ва тутилмаган масалалар бўйича унинг ечимида иштирок этиш;
- тизимни маълумотлар билан доимий тўлдириб бориш.

6. Тизимни ишга туширишда тайёрлаш бўйича ишларнинг таркиби ва мазмунига қўйиладиган талаблар

Объектни тайёрлаш ишлари тизимни фойдаланишга топширишдан олдин ёки топшириш жараёнида амалга оширилади. Тизимни фойдаланишга топширишда қуйидагиларнинг бажарилиши буюртмачи томонидан таъминланиши лозим:

- Тизимни жорий этиш ва синовдан ўтказиш учун масъул бўлинма ва мансабдор шахсларни тайинлаш;
- Ишлаб чиқарувчи томонидан ўтказиладиган ўқувларда тизимдан фойдаланувчи ҳамда унга хизмат кўрсатувчи барча ходимларнинг иштирок этишини таъминлаш;
- Тизим жорий этиладиган ва ундан фойдаланиладиган бино ва иншоотлардаги иш шароитларини мазкур техник топшириқда белгиланган шартлар асосида тайёрлаш;
- Тизимни жорий этиш учун лозим бўлган техник ва дастурий воситаларнинг тўлиқлиги, тизимни ўрнатиш учун тайёрлиги ҳамда ишчи ҳолатда бўлишини таъминлаш;
- Тизимни синовдан ўтказиш ва қабул қилиб олиш.

Объектни тайёрлаш ва тизимни фойдаланишга топшириш ишларининг муддатлари, иштирокчилари ва бажариладиган ишларнинг таркиби тизимнинг фойдаланишга топшириш учун тайёрлик даражаси ва эҳтиёждан келиб чиқиб, иш жараёнида белгиланади.

Техник ва дастурий воситаларни ўрнатиш, созлаш ҳамда фойдаланишга тайёр ҳолга келтириш ишлари буюртмачи томонидан амалга оширилиб, уларнинг ҳар бири бўйича мавжуд талаблар ва қоидаларга мувофиқ бўлиши лозим.

Буюртмачининг ходимлари қуйидаги йўналишлар бўйича ўқитилади:

- 1) тизимга хизмат кўрсатувчи мутахассислар (администраторлар);
- 2) тизимдан фойдаланувчи ходимлар.

Тизимга хизмат кўрсатувчи мутахассислар учун ўқувлар ишлаб чиқарувчи томонидан, тизимдан фойдаланувчи ходимлар учун ўқувлар эса буюртмачининг мутахассислари томонидан ўтказилади. Заруратга кўра, томонларнинг келишувчига мувофиқ, тизимдан фойдаланувчи ходимларни дастлабки ўқитиш ишлари ҳам ишлаб чиқарувчи томонидан ўтказилиши мумкин.

7. Хужжатлаштиришга қўйиладиган талаблар

Тизим билан биргаликда тақдим этиладиган фойдаланиш хужжатлари, буюртмачининг тизимдан мустақил равишда фойдаланиши ва унга хизмат кўрсатиши учун тўлиқ ва етарли даражада бўлиши лозим.

Тизимни ишлаб чиқиш ва фойдаланишга топишириш жараёнида, энг камида қуйидаги хужжатлар ишлаб чиқилган бўлиши лозим:

- Техник топшириқ;
- Фойдаланиш тартиби бўйича йўриқномалар.

Фойдаланиш хужжатларининг электрон ёки қоғоз шаклида бўлиши ҳамда неча нусхада тақдим этилиши тизимни ишлаб чиқиш бўйича шартномада кўзда тутилади.

8. Ишланма манбаалари

- O‘zDSt 1135:2007 Ахборот технологияси. Маълумотлар базалари ва жойлардаги давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органлари ўртасида ахборот алмашишига қўйиладиган талаблар.

- O‘zDSt 1985:2018 Ахборот технологияси. Ахборот веб-сайтларини яратишда хужжатларнинг турлари, комплектлиги ва белгиланиши.

- O‘zDSt 1986:2018 Ахборот технологияси. Ахборот веб-сайтлари. Яратиш босқичлари.

- O‘zDSt 1987:2018 Ахборот технологияси. Ахборот веб-сайтини яратиш учун техник топшириқ.

- O‘zDSt 2590:2012 Ахборот технологияси. Миллий веб-сайтини шакллантириш доирасида давлат органлари томонидан фойдаланиладиган веб-сайтлари интеграциясига ва ўзаро фаолиятига қўйиладиган талаблар.

- O‘zDSt ISO/IEC 12207:2007 Ахборот технологияси. Дастурий воситаларнинг ҳаётий цикл жараёнлари.

- O‘zDSt ISO/IEC 13335-1:2009 Ахборот технологияси. Хавфсизликни таъминлаш методлари. Ахборот-коммуникация технологиялари. Хавфсизликни бошқариш. 1-қисм. Ахборот-коммуникация технологиялари хавфсизлигини бошқариш контсепциялари ва моделлари.

- O‘zDSt ISO/IEC 15408-1:2008 Ахборот технологияси. Хавфсизликни таъминлаш методлари ва воситалари. Ахборот технологиялари хавфсизлигини баҳолаш мезонлари. 1-қисм. Кириш ва умумий модел.

- O‘zDSt ISO/IEC 15408-2:2008 Ахборот технологияси. Хавфсизликни таъминлаш методлари ва воситалари. Ахборот технологиялари хавфсизлигини баҳолаш мезонлари. 2-қисм. Хавфсизликнинг функционал талаблари.

- O'zDSt ISO/IEC 15408-3 Ахборот технологияси. Хавфсизликни таъминлаш методлари ва воситалари. Ахборот технологиялари хавфсизлигини баҳолаш мезонлари. 3-қисм. Хавфсизликка қўйиладиган ишонч талаблари.
- O'zDSt ISO/IEC 25051:2008 Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш. Дастурий маҳсулот (SQuaRE) сифатига қўйиладиган талаблар ва уни баҳолаш. Тайёр тижорат дастурий маҳсулот (COTS) сифатига қўйиладиган талаблар ва синовлар бўйича йўриқномалар.
- O'zDSt ISO/IEC 27001:2009 Ахборот технологиялари. Хавфсизликни таъминлаш методлари. Ахборот хавфсизлигини бошқариш веб-сайтлари. Талаблар.
- O'zDSt ISO/IEC 27002:2008 Ахборот технологияси. Хавфсизликни таъминлаш методлари. Ахборот хавфсизлигини бошқаришнинг амалий қоидалари.
- ГОСТ12.1.030-81 Система стандартов безопасности труда. Электробезопасность. Защитное заземление, зануление.
- O'zDSt 2864:2014 Ахборот технологияси. Идоралараро интеграция платформаси. Умумий техник талаблар.
- O'zDSt ISO/IEC 25021:2014 Тизимлар ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиш. Тизимлар ва дастурий таъминот сифатига қўйиладиган талаблар ва уларни баҳолаш (SQuaRE). Сифат метрикаларининг элементлари.
- O'zDSt ISO/IEC TR 9294:2007 Ахборот технологияси. Дастурий таъминотнинг ҳужжатлаштирилишини бошқаришга оид қўлланма.
- O'zDSt ISO/IEC 14764:2008 Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш. Дастурий таъминот ҳаётий циклининг жараёнлари. Дастурий воситаларни кузатиб бориш.
- O'zDSt ISO/IEC 27003:2014 Ахборот технологияси. Хавфсизлигини таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини бошқариш веб-сайтлари жорий этиш бўйича қўлланма.
- O'zDSt ISO/IEC 27005:2013 Ахборот технологияси. Хавфсизликни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлиги рискларни бошқариш.
- O'zDSt 1204:2009 Ахборот технологияси. Ахборотнинг криптографик муҳофазаси. Криптографик модулларга хавфсизлик талаблари.
- N163:2007 Давлат органларининг веб-сайтлари ва серверларига хизмат кўрсатувчи веб-сайт маъмурларининг зарур малакаси тўғрисида низом.
- T45-194:2007 Ахборот веб-сайтларига ноқонуний кириш ҳаракатларининг олдини олишни таъминлайдиган дастурий аппарат воситаларини қўллаш бўйича тавсиялар.
- RH45-128:2012 Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари веб-сайтларининг техник лойиҳаларини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар.
- Тизимдан фойдаланувчиларнинг тезкор ва статистик ҳисобот шакллари.